



ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИНИНГ УСУЛИ СИФАТИДА

Хуррамова Адолат Баҳодир қизи

Тадқиқотчи

E-mail: Adolat.Xurramova@mail.ru

Аннотация: Уибұ мақолада миллий ва хориж тажрибаси асосида ҳуқуқий эксперимент түшүнчеси, уни норма ижодкорлигининг усули сифатида қачон қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритилган. Келтирилган фикрлар юзасидан ҳуқуқий экспериментни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлар, уни қўллаш юзасидан таклиф ва холосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Эксперимент, ҳуқуқий эксперимент, норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун лойиҳаси, тартибга солиши таъсирини баҳолаш

Ҳуқуқий эксперимент усулини қанчалик тез-тез ва қайси ҳолатларда норма ижодкорлиги билан боғлиқ ҳолда қўллаш зарур? Бу усулни қўллаш керак деган қарорга келиш учун қандай мезонларга эътибор қаратиш лозим? Моҳияттан ушбу усул норма ижодкорлигининг кўп харажат қилишни талаб қиласидиган усули ҳисобланса, нима учун бу усулдан фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд? Биз қуйида юқорида берилган саволларга ечим топишга ҳаракат қиласиз. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, “давлат томонидан амалга оширилаётган у ёки бу мухим ижтимоий-сиёсий ҳодисани дастлабки асослаш зарур бўлганда, агар бу ҳодисанинг мақсадга мувофиқлигини бошқача тарзда, таклиф этилаётган моделларни амалий текширмасдан аниқлаш иложи бўлмаса, ҳуқуқий эксперимент усулини қўллаш зарур бўлади”[1]. “Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг унинг таъсирини жамият ҳаётининг муайян соҳасига татбиқ этиш, уларнинг таъсиранлигини ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг техник “сифатини” яхшилаш, юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида айрим кўрсатмаларга тузатиш киритиш имконини беради”[2]. Шу билан бирга, “бундай текшириш зарурати ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди ва амалда уни амалга оширишни доим ҳам имкони йўқ”[1]. Эксперимент гипотезаларни текширишнинг кўп харажат талаб қилинадиган усули ҳисобланади. Ҳуқуқий гипотезани бошқача тарзда текшириш имкониялари бўлмаган ҳамда ҳуқуқий самарадорликни аниқлашнинг бошқа усуллари натижа бермаган ҳолларда ҳуқуқий эксперимент ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий экспериментга тайёргарлик кўриш жуда катта масъулиятни талаб қилишини таъкидлайдилар: “Ҳуқуқий эксперимент – кўп харажат талаб қиласидиган усул бўлиб, у инсонларнинг шахсий ва моддий манфаатларига, шунингдек, жамият ва жамоадаги мавқеига таъсир қиласи. Ҳуқуқий экспериментни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIU TAFAKKUR VA INNOVATION G'oyalar



ўтказиш ҳамда улар асосида олинган маълумотларни баҳолашга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак”. Экспериментал Қонунчилик хуқуқий экспериментнинг ўзига хос шакли бўлиб, у ҳатто жуда кескин деб ҳам талқин қилиниши мумкин, чунки у фуқароларнинг жамият ва иқтисодиётга бевосита таъсир кўрсатадиган хуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ўзига хос тажриба ҳисобланади[4].

Ғарб олимларининг таъкидлашларича, “экспериментал қонунчилик фанлараро ёндашувга асосланган ва емпирик методологияга асосланган (қонунларни яратиш зарурлигига жавоб сифатида қаралади[5]. Экспериментал қонун чиқариш, шу нуқтаи назардан, қўшимча қийматли ўқув қурилмасидир, чунки у ниҳоят қабул қилинишидан олдин” ҳақиқий дунёда “қонунларни” синааб кўради”.

Айниқса, Германия ва Францияда “учувчи” қонунлар бўйича баъзи тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да[6], ушбу концепциянинг аниқ таърифи, тушунчаси ҳозир ҳам етарлича татқиқ этилмаган. Бироқ барча муаллифлар ушбу фикрга қўшилмайди, масалан Утрехт университети профессори Кесс ван дер Бос “юридик экспериментлар турларини ҳисобга олган ҳолда, хуқуқий экспериментлари билан бир қаторда лаборатория тажрибаларини ҳам (сунъий шароитда тахмин қилинган хуқуқий янгиликларни синовдан ўтказиш) ажратиб кўрсатади”[7] -деб таъкидлайди. Хуқуқий экспериментга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган хуқуқий нормага таяниладиган бўлса, унинг хуқуқ ёки мажбуриятлиги масаласи баҳсли эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур масаланинг ечимиға хуқуқий экспериментнинг мавжуд хуқуқий асослари орқали жавоб бериш имконсиз бўлганлиги сабабли, хуқуқий экспериментнинг илмий-назарий жиҳатларига мурожаат қилиш керак бўлади. Бунда хуқуқий экспериментнинг билиш методи сифатидаги табиатидан келиб чиқиб ёндашилади. Яъни унга кўра хуқуқий эксперимент норматив-хуқуқий ҳужжатнинг самарасини назарий билиш усуслари орқали билиш имкони бўлмагандан қўлланиладиган метод ҳисобланади[8]. Н. П. Колдаева экспериментал ва назорат обьектларининг кўрсаткичларини солишириш имкониятини таъминлаш зарурлигини тўғри таъкидлаган[9].

Кўриниб турибдики, агар ижтимоий муносабатларнинг мавжуд ҳолати унинг хуқуқий тартибга солиниши билан биргаликда ҳаёт эҳтиёжларидан аниқ орқада қолса ва шунинг учун хуқуқий тартибга солишни ўзгартириш орқали вазиятни тўғирлаш зарурати аниқ бўлса, бу ҳолатда хуқуқий эксперимент усулини қўллаш ва у орқали тўлиқ самарали хуқуқий тартибга солишни қабул қилиш йўлидан бориш тўғри бўлар эди. Табиийки, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни башпорат қилишнинг тегишли муносабатларини тартибга солишни малакали моделлаштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан тегишли норматив қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичида турли ёндашувлар рақобатини тўғри тушунган ҳолда ёндашиш мақсадга мувоғиқ, деб уйлаймиз. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, хуқуқий эксперимент каби хуқуқий экспертиза усули тадқиқот





объектининг типик шарт-шароитлари, барқарор типик хусусиятлари тўплами мавжуд бўлганда, экспериментал натижаларни таққослаш имконини берадиган ва кейинчалик уни амалга оширадиган, ҳуқуқий эксперимент давомида олинган маълумотларни солиштириш мумкин бўладиган ҳолларда долзарб бўлади. Р.А.Сафаров таъкидлаганидек, “эксперимент ўтказиш учун объектнинг ўзига хос типиклиги зарурдир”[3].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, норматив-хуқуқий хужжатни ҳуқуқий эксперимент сифатида қабул қилиш ва унинг самарасини чекланган доирада ўрганиш ихтиёрий ҳолат эмас. Гарчи қонунчиликда норматив-хуқуқий хужжат самарасини ҳуқуқий эксперимент орқали ўрганиш норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилишга ваколатли органинг мажбурияти сифатида тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлсада, норма ижодкорлигининг умумий қоидалари ва принциплари ҳамда ҳуқуқий экспериментнинг ҳуқуқий табиатидан шундай хулоса чиқариш мумкин.

Шунинг учун, бир томондан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини ҳуқуқий экспериментларни ҳозиргидан кўра кўпроқ фойдаланишга ва қонун чиқарувчини (ҳам маҳаллий, ҳам республика даражасида) уларни дадиллик билан қабул қилишга чақириб, шу билан бирга биз норма ижодкорлиги фаолиятининг ушбу шаклларидан фойдаланишда эҳтиёткорона муносабатда бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

ИҚТИБОСЛАР:

1. Лазарев В.В. К вопросу о понятии и пределах эксперимента в области государства и права / Лазарев В.В. Избранные труды. Т. 2. М.: Новая юстиция, 2010. С. 5–15.
2. Ельцов В.Н. Правовой эксперимент в современной России: Проблемы эффективности: дис... канд. юрид. наук. Тамбов, 2009. 163 с.
3. Сафаров Р. А. Социальный эксперимент и проблемы государства и права // Советское государство и право. 1964. № 10. С. 14–22.
4. Ranchordás, S. (2013). The Whys and Woes of Experimental Legislation. The Theory and Practice of Legislation, 1(3), 9.
5. H D Horn, Experimentelle Gesetzgebung unter dem Grundgesetz (Duncker & Humblot, Berlin 1989) P. 20-21.
6. For France, see Charles Morand (ed.), *Évaluation législative et lois expérimentales* (Presses Universitaires d'Aix-Marseille, Marseille 1993), B. Faure, ‘L'intégration de l'expérimentation au droit public français’ in Mouvement du droit public, *Mélanges en l'honneur de Franck Moderne* (Dalloz, Paris 2004) ; S. de Charentenay, ‘Les implications juridiques de la constitutionnalisation du droit à l'expérimentation’(2003), available at <> accessed 28 August 2013. For Germany, see H.D. Horn, *Experimentelle Gesetzgebung unter*





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



dem *Grundgesetz* (Duncker & Humblot 1989); V. Maß, *Experimentierklauseln für die Verwaltung und ihre verfassungsrechtlichen Grenzen* (Duncker & Humblot 2001).

7. Van der Bos K. On Experiments in empirical legal research / K. van der Bos// Law and Method. — 2016. — № 1. — P. 6-24.

8. Фатьянов И.В. Правотворческий эксперимент: метод познания или метод правового регулирования? // Юридические исследования. – 2015. № 12. –С 44

9. Колдаева Н. П. Социальноправовой эксперимент (некоторые теоретические аспекты) // Право и правотворчество: вопросы теории. М.: ИГиПАН СССР, 1982. С. 69–76

